

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИГА ТАҲДИДЛАРГА ОИД

*Рустамов Жавоншер Истамжон ўгли*

*Транспорт коридорлари йўналиши бўйича мустақил тадқиқотчи,  
Электрон почта манзили: rustamov.javonsher.92@gmail.com*

### Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим бўлган транспорт коридорларидан фойдаланишдаги манфаатлар ва таҳдидлар ўрганилган. Шунингдек, транспорт коридорларининг бугунги кун аҳволини таҳлил қилиш учун индикаторлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** манфаат, таҳдид, геосиёсат, индикатор, изоҳловчи, хатар, риск, таҳлика.

### Об угрозах национальным интересам Республики Узбекистан в части развития международных транспортных коридоров

### Аннотация

В данной статье рассматриваются преимущества и угрозы использования транспортных коридоров, имеющих важное значение для экономики Узбекистана. Также были разработаны индикаторы для анализа текущего состояния транспортных коридоров.

**Ключевые слова:** интерес, угроза, геополитика, индикатор, интерпретация, опасность, риск, опасность.

### On threats to the national interests of the Republic of Uzbekistan in terms of the development of international transport corridors

### Abstract

This article discusses the advantages and threats of using transport corridors that are important for the economy of Uzbekistan. Indicators have also been developed to analyze the current state of transport corridors.

**Keywords:** interest, threat, geopolitics, indicator, interpretation, danger, risk, danger.

Миллий хавфсизлик деганда ҳаётӣ муҳим миллий манфаатларнинг ташқи ва ички таҳдидлардан кафолатли ҳимояланганлик ҳолати тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Миллий хавфсизлик концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияларида Ўзбекистон Республикасининг ҳаётӣ муҳим манфаатлари белгилаб берилган.

Юқоридаги умумий таърифдан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, давлатнинг иқтисодий соҳада ривожланишда ва хавфсизликни таъминлашда ҳам ҳаётӣ муҳим манфаатлари Миллий хавфсизлик концепциясида белгилаб берилган.

Бироқ, Ўзбекистон транспорт соҳасидаги давлат сиёсатини, иқтисодиётнинг ушбу йўналишидаги асосий манфаат ва таҳдидлари ҳамда мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи Ўзбекистон транспорт тизимини ривожлантириш стратегияси қабул қилинмаган<sup>1</sup>.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси ва мазкур соҳада олиб борилаётган сиёсат таҳлили натижасида қуйидагилар Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги **умумий манфаатлари** сифатида кўрилади:

- шахс, жамият ва давлатнинг замонавий транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида мамлакат транспорт инфраструктурасини замоний талабларига жавоб беришини таъминлаш;
- жаҳон бозорларига ҳамда денгиз портларига олиб чиқувчи арзон муқобил коридорларга эга бўлиш;
- миллий транспорт магистралларининг транзит юк ўтказиш қобилиятини кенгайтириш;
- янги халқаро транспорт коридорлари яратилишида Ўзбекистон иштирокини кучайтириш ҳамда мазкур коридорлар орқали экспорт-импорт ва транзит ташувларида миллий транспорт корхоналари имкониятини кенгайтириш;
- транспорт объектларида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни, жумладан террористик ҳаракатларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш;
- Марказий Осиё давлатлари билан транспорт соҳасида интеграцияни йўлга қўйиш;

---

<sup>1</sup> Транспорт вазирлиги томонидан 2019 йилда ишлаб чиқилган, бироқ бугунги кунга қадар қабул қилинмаган. <https://regulation.gov.uz/ru/document/3867>

— Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар иштирокида Темир йўл идоралари кенгашини ташкил қилиш<sup>2</sup>;

— транспорт коридорлари борасидаги лойиҳаларни ШХТ доирасида амалга ошириш (бу ўз навбатида транспорт коридоридан фойдаланишни минтақа доирасида балки халқаро доирада йўлга қўйиш имконини беради)<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, геосиёсий нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг ҳар бир транспорт коридорида давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари мавжуд.

**Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон транспорт коридори (темир йўл ва автомобиль йўли)даги манфаатлари:**

1. Транзит юк ўтказиш ҳажмини кўпайтириш.
2. Халқаро транзит ташиш бозорида Ўзбекистоннинг иштирокчи-давлатлар билан рақобатбардошлигини ошириш.
3. Мазкур коридор ишга тушиши янги тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатиш соҳалари вужудга келатириши.
4. Покистон портларидан фойдаланиш учун муқобил коридор яратиш, бу билан ўз навбатида Туркманистон ва Эронга боғланиб қолишни олдини олиш;
5. Жанубий Осиё давлатларидан Покистон ва Ҳиндистон бозорларига экспортни кучайтириш, бунда транспорт харажатларини ва вақтини қисқартириш;
6. Қозоғистонга иқтисодий ва сиёсий нуқтаи назардан боғланишни камайтириш;
7. Хитой билан қисқа йўл орқали уланиш ва савдо харажатларини камайтириш.

Бугуни кунда Ўзбекистон манфаатига тўлақонли хизмат қилувчи иккинчи транспорт йўлаги бу **Трансафғон** транспорт коридори ҳисобланиб, ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси **манфаатлари** сифатида қуйидагиларни кўриш мумкин.

1. Ўзбекистонни денгиз портига олиб чиқувчи муқобил коридорга эга бўлиш;

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи <https://president.uz/uz/lists/view/6831>

<sup>3</sup> Транспортный коридор из Беларуси в Пакистан через Казахстан планируют создать страны ШОС. [https://inbusiness.kz/ru/last/transportnyj-koridor-iz-belarusi-v-pakistan-cherez-kazahstan-planiruyut-sozdat-strany-shos?utm\\_source=yxnews&utm\\_medium=desktop&utm\\_referrer=https%3A%2F%2Fdzen.ru%2Fnews%2Fsearch%3Ftext%3D](https://inbusiness.kz/ru/last/transportnyj-koridor-iz-belarusi-v-pakistan-cherez-kazahstan-planiruyut-sozdat-strany-shos?utm_source=yxnews&utm_medium=desktop&utm_referrer=https%3A%2F%2Fdzen.ru%2Fnews%2Fsearch%3Ftext%3D)

2. Иқтисодий жиҳатдан арзон (юк ташиш вақти ва нарҳини 30-40 фоизга қисқартиради)<sup>4</sup> йўлакни йўлга қўйиш орқали Ўзбекистон товарларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш;

3. Икки йирик бозорни (Хитой ва Покистон, Ҳиндистон) куруқлик орқали боғлаш эвазига (бу транспорт коридоридан нафақат Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон балки Россия, Қозоғистон, Эрон фойдаланиши мумкин) транзит имкониятларини ошириш;

4. Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий жиҳатдан интеграциялашувини жадваллаштириш ва унда Ўзбекистон геоиқтисодий имкониятларини ошириш;

5. Мазкур коридорни Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон коридорига улаш орқали минтақада Ўзбекистон аҳамиятини ошириш;

6. Нафақат Жанубий Осиё, балки Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари билан савдо алоқаларини ривожлантириш (Россия-Украина куролли тўқнашуви ва Яқин Шарқдаги воқеалар сабабли ушбу минтақа давлатлари денгиз йўлидан куруқлик йўлига ўтишмоқда);

7. Эрон ва Туркменистонга боғланишни пасайтириш.

Ўз навбатида иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ҳаётий муҳим манфаатлар билан бирга уларга таҳдидлар ҳам кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси транспорт сиёсатида миллий манфаатларга қуйидагиларни **таҳдид** сифатида баҳолаш мумкин.

— Ўзбекистонни четлаб ўтувчи альтернатив коридорларнинг ривожланиши;

— айрим давлатларнинг ўзаро сиёсий низоларининг мавжудлиги;

— айрим ҳамкор давлатлар транспорт инфраструктурасининг талаб даражасида эмаслиги;

— айрим халқаро лойиҳаларни амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

— Ўзбекистон Республикаси транспорт секторини ривожлантиришга қаратилган узоқ-муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги;

— Ўзбекистон транспорт тизими техник ва сифат стандартларининг бошқа ҳамкор давлатлар транспорт тизимидан фарқ қилиши.

Юқорида санаб ўтилганлар Ўзбекистон транспорт соҳасидаги миллий манфаатларига умумий таҳдидлар ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон

---

<sup>4</sup>Россия поддержит: перспективы двух крупных транспортных проектов в ЦА <https://uz.sputniknews.ru/20240219/russia-uzbekistan-perspektivy-transportnye-proekti-v-tsa-42568893.html>

транспорт соҳасида ривожлантирилиши керак бўлган коридорлардан **Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон** транспорт коридоридаги манфаатларга юқоридаги таҳдидлардан ташқари, ўзига хос фақатгина мазкур транспорт коридоридан фойдаланишдаги манфаатларга **таҳдид** сифатида (умумий маънода) қуйидагиларни келтириш мумкин.

— ушбу транспорт коридоридан юк ташиш ҳажмининг камайиши; (Хитойдан Европа Иттифоқига Қозоғистон, Россия ва Беларуссия орқали юк ташиш ҳажми 2024 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 44 фоизга ўсди);

— яширин иқтисодиётнинг иқтисодиётдаги улушини ошиши;

— Қозоғистоннинг ўз ҳудудидан ўтган транспорт коридорларини инфраструктурасини ва логистикасини ҳамда транзит ўтказиш сиёсатида Хитойга қўшимча имкониятлар бериш орқали, ушбу коридордан юк ташиш ҳажмини камайишига таъсир ўтказиши;

— Қирғизистон сиёсатида учинчи давлатлар таъсирининг юқорилиги;

— Қирғизистондаги сиёсий ироданинг мустаҳкам эмаслиги;

— ушбу транспорт коридоридан фойдаланишда муқобил коридорларнинг мавжудлиги.

Шунингдек, ушбу транспорт коридоридан кам аҳамиятга эга бўлмаган **Трансафғон** коридори лойиҳасидаги **таҳдидлар**:

— гиёҳвандлик воситалари ҳаракатида рағбат уйғотиши;

— трансчегаравий таҳдидларнинг ортиши;

— лойиҳада иштирок этувчи давлатларнинг ўзаро муносабатларидаги кескинлашув.

Юқорида санаб ўтилган транспорт соҳасидаги миллий манфаатларга зид ҳолатлар умумий маънода таҳдид сифатида кўрилади. Аммо, ушбу таҳдидларнинг даражаси нуктаи назардан қараш орқали транспорт соҳасида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ҳавфсизлик ҳолати баҳоланади.

Тадқиқот иши давомида кўриб чиққилганидек, транспорт коридорлари нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга эга бўлган стратегик категория ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, транспорт соҳасидаги ҳаётий муҳим манфаатларга таҳдидларни даражасини аниқлашда икки хил индикаторларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунда изоҳли индикаторлар орқали сиёсий нуктаи назардан таҳдидлар даражаси аниқланади, буни белгилашда асосан олимларнинг ва экспертларнинг фикри инобатга олинади.

Сифат кўрсаткичлари орқали, яъни рақамли индикатор орқали эса транспорт соҳасидаги сиёсатнинг амалда қандай натижалар бераётганлиги, транспорт коридорларидан фойдаланишдаги мавжуд иқтисодий ҳолат орқали эса ҳавф даражаси аниқланади.

Индикатив ёндашувнинг асосий афзаллиги унинг тизимли эканлигидир. Тадқиқ этилаётган объект миллий манфаатлар, таҳдидлар, индикаторлар, чегаравий қийматлар, ташкилий ва меъёрий-ҳуқуқий асос каби элементлардан иборат яхлит тизим сифатида қаралади. Индикатив ёндашув ўрганилаётган тизим тузилмаси, унинг элементлари ўртасидаги алоқаларнинг сифати ва тавсифини изчил ва аниқ тарзда аниқлаб бера олади<sup>5</sup>.

**Изоҳловчи индикаторлар:**

**Сиёсатда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масаласининг паст аҳамиятда эканлиги:** Ўзбекистонда темир йўллар, автомобиль йўллари ва аэропортлар тармоғи ривожланмаган. Бу транспорт харажатларининг юқори бўлишига, Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигининг пасайишига ва минтақавий бозорларга чиқиш имкониятининг чекланишига олиб келади.

**Геосиёсий беқарорлик:** Марказий Осиё дунёдаги энг беқарор минтақалардан бири ҳисобланади. Бу юк ташиш хавфсизлиги учун хавфларнинг ошишига, шунингдек, айланма йўллардан фойдаланиш зарурати туфайли транспорт харажатларининг ошишига олиб келади.

**Логистиканинг ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаслиги:** Ўзбекистонда логистика инфратузилмаси ва таъминот занжирини бошқариш тизимлари суғ ривожланган. Бу транспорт операцияларининг паст самарадорлигига ва транспорт харажатларининг ошишига олиб келади.

**Транспорт соҳасини рақамлаштиришнинг паст даражаси:** Ўзбекистонда электрон транспорт ва логистика бошқарув тизимлари етарли даражада ривожланмаган. Бу жараёнларнинг бюрократиклашувига, коррупцияга ва транспорт тизими самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Юқоридагилар бу Ўзбекистонинг ўзини ички муаммолари нуқтаи назаридан индикаторлар хавф даражасини белгилашда фойдаланилади.

Булардан ташқари, қуйидагилар ташқи омиллар ҳам таҳдидларнинг даражасини аниқлашда фойдаланилади:

---

<sup>5</sup> Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник. Под ред. В.К.Сенчагова. 2-изд. – М.: Дело,

2005; Международные экономические отношения: Учеб.пособие для вузов. Под ред. проф. Л.Е.Стровского. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.; Экономическая и национальная безопасность: Учебник. Под ред. Е.А.Олейникова. – М.: Экзамен, 2005.

**Марказий Осиё давлатларининг транспорт соҳасидаги стратегияларининг мавжудлиги:** бу орқали кўшни давлатлар яқин ёки узоқ муддатли транспорт коридорларини ривожлантиришни белгилаб олишади.

Масалан, 2001 йилда Қозоғистон Республикасининг “ҳалқаро транспортни ривожлантириш” Концепция қабул қилинганлиги.

**МО давлатлари томонидан транзит ўтказиш учун имтиёзларнинг берилиши:** бу ўз навбатида юкларни транзит ўтказиш ҳаражатини камайтириш ва жаҳон бозорида рақобатбардош, ҳамёнбоп бўлишига олиб келади.

Жумладан, “Туркменистон темир йўллари” Туркманбоши порти орқали юк транзитига чегирмалар жорий қилмоқда.

Туркменистоннинг Ўзбекистон билан чегарасидаги Фарап-Тахиатош чегара пунктига олиб ўтиладиган шакар хомашёси ва портга 40% чегирма.

Фарап-Тахиатош чегара пунктигача бошқа турдаги маҳсулотларни (алюминий, алюминий оксиди ва бочкадаги нефт маҳсулотларидан ташқари) олиб ўтувчи шахсий ва ижарага олинган вагонларга 30% чегирма.

Фарап-Тахиатош чегара пунктигача бир хил турдаги юкларни ташийдиган инвентар паркиннинг вагонларига 20% чегирма<sup>6</sup>.

**Кўшни давлатлар орқали транзит юк ўтказишнинг ортиши:** Қозоғистон орқали темир йўл транзити йил давомида **18,2 фоизга** ошган. 2023 йилда Қозоғистонда транзит темир йўл юк ташиш ҳажми **27,3 миллион тоннага** етган. Бу 2022 йилга нисбатан **4,2 миллион тоннага** ёки 18,2 фоизга кўпдир. Темир йўл транзитининг асосий йўналишлари: Хитой-Европа ва Россия-Марказий Осиё<sup>7</sup>.

**МО давлатлари сиёсатида Ўзбекистоннинг айланиб ўтишга қаратилган транспорт коридорлари ҳақида ғоя ва қарашларнинг мавжудлиги:** “Туркменистон бир вақтнинг ўзида бир нечта йўналишлар бўйича транзитни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда”. Аслида, туркман расмийлари 2023 йилда Хитойга олиб борилиши мумкин бўлган трансмиллий автомагистрални муҳокама қилишган. Ўрта йўлак бўйича ўзининг содиқлигини намойиш қилиб, Ашхобод 2010-йилларда Туркманбошидаги асосий интермодал юк ташиш портини кенгайтириш учун 1,5 миллиард доллар сармоя киритди. Каспий денгизи орқали савдони кенгайтиришни кутган ҳолда, Ашхобод Туркманбоши порти объектлари ҳар йили ўн етти миллион тоннагача юкларни, шу жумладан 400 000 юк контейнерларини ташиш имкониятига эга бўлишини хоҳлади.

<sup>6</sup>«Туркмендемирёллары» давлат агентлиги <https://railway.gov.tm/ru/>

<sup>7</sup> “Казинформ” <https://www.inform.kz>

Мазкур изоҳловчи индикаторлардан келиб чиқиб, қуйидаги таҳдид даражалари аниқланади (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг транспорт соҳасидаги миллий манфаатларига умумий таҳдидларнинг даражаси<sup>8</sup>**

Риск	Таҳлика	Хавф	Таҳдид
Бошқа давлат томонидан транзит имтиёзлари берилиши	транспорт инфратузилмасига кам аҳамият қаратилиши	Логистиканинг ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаслиги	Геосиёсий беқарорлик
Стратегиялар мавжудлиги		Транспорт соҳасини рақамлаштиришнинг паст даражаси	
	Қўшни давлатлар орқали транзит юк ўтказишнинг ортиши		Муқобил транспорт коридорлари ҳақида ғоя ва лойиҳаларнинг борлиги

Мазкур индикаторлар орқали давлат транспорт сиёсатида таҳдиднинг қайси даражада эканлигини аниқлаш ҳамда аниқланган ҳолат юзасидан сиёсатни ўзгартириш ёки жадаллаштириш масаласи кўриб чиқилади.

Индикатив ёндашув объект ҳолатини баҳолашда юқори аниқлиги билан ажралиб туради. Ҳар бир индикатор миқдорий тавсиф, тегишли ўлчов бирлиги ва чегаравий қийматга эга. Индикаторлар мавжуд қийматларини уларнинг чегаравий қийматларига солиштириш орқали, соҳанинг барқарорлик тизими, унинг мустақил жабҳалари ёки алоҳида соҳаларининг реал ҳолати бўйича миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичларини олиш мумкин (2-жадвал). Ушбу кўрсаткичлар Жаҳон банки томонидан фойдаланиладиган “The Use of Sectoral and Project Performance Indicators In Bank-Financed Transport Operations”<sup>9</sup> ҳужжати ва экспортлар фикридан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди.

<sup>8</sup> Муаллифлик ишланмаси

<sup>9</sup> National academies <https://trid.trb.org/View/707199>



## 2-жадвал

Транспорт коридорларидан фойдаланишда миллий манфаатларга таҳдид даражасини баҳоловчи индикаторлар<sup>10</sup>

Индикатор номи	Ўлчов бирлиги	меъёр	Чегаравий қиймат					
			ИО1	ИО2	ИО3	И1	И2	И3
ЯИМда транспорт хизматининг улуши	%	>9	9	7,5	6	5	4	3
Транзит ташиш ҳажми	тонна (минг)	>16	16	15	14	13	12	11
Иқтисодиётида транспорт хизматлари улуши	%	>55 <sup>11</sup>	50	45	40	35	30	25
Иқтисодиётда яширин иқтисодиётнинг улуши	%	>10	15	20	25	30	35	40
1-транспорт коридорида <sup>12</sup> юк ташиш ҳажми	тонна (минг)	>100	80	70	60	50	40	30
2-транспорт коридорида <sup>13</sup> юк ташиш ҳажми	тонна (минг)	>100	80	70	60	50	40	30
Баённомага асосан рухсатномалар сони <sup>14</sup>	дона (минг)	>60	55	50	45	40	35	30
Юк ташиш нархи	\$ (км/т (минг))	<1	1	1,5	2	2,5	3	3,5
Транспорт коридорларидан (темир йўл ва автомобиль йўли) фойдаланган ҳолда экспорт ҳажми	тонна (минг)	>5	5	4,5	4	3,5	3	2,5

<sup>10</sup> Муаллифлик ишланмаси

<sup>11</sup> Иқтисодиётида транспорт хизматлари улуши кўрсаткичи жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган индикаторларга асосан Лихтенштейн давлатининг кўрсаткичи меъёр сифатида танланган, бунга сабаб Лихтенштейн ҳам географик нуқтаи назаридан Double landlocked - икки марта изоляция қилинган давлат ҳисобланади.

<https://prosperitydata360.worldbank.org/en/indicator/WB+WDI+TX+VAL+TRAN+ZS+WT>

<sup>12</sup> Тадқиқот иши предметидан келиб чиқиб, ушбу ном оситида Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон транспорт коридори назарда тутилган.

<sup>13</sup> Тадқиқот иши предметидан келиб чиқиб, ушбу ном оситида Трансафғон транспорт коридори назарда тутилган.

<sup>14</sup> “Халқаро автомобил транспорти масалалари бўйича экспертлар йиғилиши” Баённомаси

Ушбу жадвалда эътибор берилиши керак бўлган ҳолат шуки, транзит ташиш ҳажми меъёри сифатида 16 миллион тонна мақсадли кўрсаткичи олинган, бунга сабаб “Ўзбекистон — 2030 стратегияси”да шу мақсад белгиланган.

Олиб борилган тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган ушбу индикаторлар ёрдамида транспорт сиёсатидаги жорий ҳолатни солиштириш орқали мазкур соҳадаги таҳдиднинг даражасини билиб олиш мумкин (3-жадвал).

## 3-жадвал

## Ўзбекистон Республикаси транспорт соҳасидаги миллий манфаатларга таҳдидларнинг бугунги кун ҳолати

Индикатор номи	Ўлчов бирлиги	меъёр	ИО1	ИО2	ИО3	И1	И2	И3
ЯИМда транспорт хизматининг улуши	%	>9	9	7,5	6 5,3	5	4	3
Транзит ташиш ҳажми	тонна (млн)	>16	16	15	14	13	12 11,3	11
Иқтисодиётида транспорт хизматлари улуши	%	>55 <sup>15</sup>	50	45	40	35 30,01	30	25
Иқтисодиётда яширин иқтисодиётнинг улуши	%	<10	15	20	25	30	35	40 40
1-транспорт коридорида <sup>16</sup> юк ташиш ҳажми	тонна (минг)	>1000	800 746	700	600	500	400	300
2-транспорт коридорида <sup>17</sup> юк ташиш ҳажми	тонна (минг)	>1000	800	700	600	500	400 330	300

<sup>15</sup> Иқтисодиётида транспорт хизматлари улуши кўрсаткичи жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган индикаторларга асосан Лихтенштейн давлатининг кўраткичи меъёр сифатида танланган, бунга сабаб Лихтенштейн ҳам географик нуқтаи назаридан Double landlocked - икки марта изоляция қилинган давлат ҳисобланади.

<https://prosperitydata360.worldbank.org/en/indicator/WB+WDI+TX+VAL+TRAN+ZS+WT>

<sup>16</sup> Тадқиқот иши предметидан келиб чиқиб, ушбу ном оситида Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон транспорт коридори назарда тутилган.

<sup>17</sup> Тадқиқот иши предметидан келиб чиқиб, ушбу ном оситида Трансафғон транспорт коридори назарда тутилган.

Баённомага асосан рухсатномалар сони <sup>18</sup>	дона (минг)	>20	17	15	12	8	5 5	3
Юк ташиш нархи	\$(минг) (км/т)	<1	1	1,5	2 1,8	2,5	3	3,5
Транспорт коридорларидан (темир йўл ва автомобиль йўли) фойдаланган ҳолда экспорт ҳажми	тонна (млн)	>5	5	4,5 4,5	4	3,5	3	2,5

Ўзбекистон Республикаси транспорт соҳасида бугунги кунда миллий манфаатларга таҳдидларнинг риск, таҳлика, хавф ва таҳдид даражалари мавжуд эканлигини маълум бўлди. Транспорт сиёсатини юритишда ушбу ҳолатларга жиддий эътибор қаратган ҳолда қарорлар қабул қилиниши лозим.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, манфаат ва таҳдидлар аниқланиши, шунингдек, жорий ҳолат аҳволини аниқлаш учун ишлаб чиқилган индикаторлар мазкур соҳани ривожлантиришга самарали восита ҳисобланади.

**Фойдаланилган манбалар:**

1. Иқтисодиётида транспорт хизматлари улуши кўрсаткичи жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган индикаторларга асосан Лихтенштейн давлатининг кўрсаткичи меъёр сифатида танланган, бунга сабаб Лихтенштейн ҳам географик нуқтаи назаридан Double landlocked - икки марта изоляция қилинган давлат ҳисобланади.  
<https://prosperitydata360.worldbank.org/en/indicator/WB+WDI+TX+VAL+TRAN+ZS+WT>
2. «Туркмендемирёллары» давлат агентлиги <https://railway.gov.tm/ru/>
3. “Казинформ” <https://www.inform.kz>
4. Экономическая безопасность России: Общий курс: Учебник. Под ред. В.К.Сенчагова. 2-изд. – М.: Дело, 2005; Международные экономические отношения: Учеб.пособие для вузов. Под ред. проф. Л.Е.Стровского. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.; Экономическая и национальная безопасность: Учебник. Под ред. Е.А.Олейникова. – М.: Экзамен, 2005.

<sup>18</sup> “Халқаро автомобил транспорти масалалари бўйича экспертлар йиғилиши” Баённомаси